



adabiyot ISLAMONLINE.UZ

Меҳвар алмашмайди

“Ахлокийлик меҳвари” (“Тафаккур” журнали 2012 йил 4-сон) мақоласини ўқиб...

Бошлангичда бундай бўлди:

*Олдин дунё яратилди. Одамнинг келишига hozirlandi. Сўнгра Одам яратилди.
Жаннатга кўйилди. Ўзидан бир аёл ҳам яратилди. Оллохнинг иродаси, буюк хикмати ила
иккаласи Ерга туширилди. Ер да тугул, бутун
борлик оламда ёлғиз эди Одам билан Хавво.*

Бошка кимса йўк эди. Улар иккаласи ва билгисиз дунё! Энди нима бўлади, ер юзида хаётлари кандай кечади – билмасдилар.

Бу

билгисизлик

каршисида лол Одамга Оллох таолодан билгилар тушди. Бир сўз билан айтганда, одоб-ахлоқ йўриклари индирилди. Ўргатилди: Оллохгагина куллик қил. Тўғри бўл. Алдама. Бир-бирингни ўлдирма. Ва хоказо.

Одам ва Хавводан бирин-кетин болалар тугила бошлади. Иблис ҳам енг шимариб ишга киришди: бир замонлар келиб, ака укани ўлдирди. Бири Оллохдан кўрқди, иккинчиси исён килди. Оллохдан кўрқкани – диндори ахлокини бузмади, Унга исён килгани ахлоқда илохий йўриқдан чиқди...

Маколада жуда нозик масала, нозик бўлганида ҳам киши эътиқоди билан боглик анча хассос ва теран ахлоқ масаласи кўтарилган. Лўнда килиб айтилса, муаллиф “Кишилик жамиятига ахлоқ-одоб ўлчовларини ким (ёки нима) келтирган? Кишининг хулки чиройли ё хунук бўлишида диннинг хиссаси кандай?” деган мавзуга кўл урган.

Албатта, хар кандай мавзу очик. У канча нозик ё теран бўлмасин, хар ким уни ўрганишга, фикр-мулохазаларини билдиришга хакли. Бирдан-бир шарти – ўрганаётган шахс ўрганилаётган масалани пухта билиши керак. Чала билишдан ёки умуман билмасликдан юзага келадиган саёзлик муаллифни уялтириб кўйишидан ташкари, мавзудан хабари кам ёки буткул хабарсиз кўпчиликни асл хакикатдан чалгитиши билан тескари хизмат ҳам килиб кўяди.

Гарчи макола бошида “...бугун дин ахлоқ назоратчиси вазифасини канчалик ўтамоқда, деган савол атрофида мулохаза юритамиз”, деб вақт бугун билан чегараланганига алохида ургу берилган бўлса-да, хулосалар ҳам, йўлакай билдирилган мулохазалар ҳам бугуннинг ўзигагина тегишли эмас, тўғридан-тўғри динга, диннинг ахлокий асосларига каратилгандек. Бориб-бориб хатто умуман динларнинг, хоссатан, Ислон динининг кишилик жамияти хулкига таъсири бугун колмади, дея хулоса килинган. Ёш файласуф омма фикрини ўрганишга ихтисослашган тўртта ташкилотнинг кайси йўллар билан олингани шубхали бўлган ракамларини бир-бирига уриштириш билан, бор-йўги саккиз бетли маколасида кишилик жамияти пайдо бўлганидан бери юзминглаб мутафаккир олим миллионлаб жилд китобда, миллиардлаб инсон эса ўз хаётида тасдиқлаб-исботлаб келган хакикатни – ахлоқ диндандир, ахлоқни дин ушлаб туради, деган хакикатни инкор этяпти!

Хўш, “ахлокийлик – кишилар ўртасидаги муносабатда бутун жамият тўғри деб қабул қилган хулқ-атвор меъёрлари”ми ёки илохий йўл-йўриқлар асосида шаклланган ижтимоий муносабатлар тизимими?

Биринчидан, жамият одамлардан ташкил топади, одамлар эса ўзидан олдин ўтган ота-боболаридан ўрганганлари устига ўзларидан тажрибалар қўшади. Ахлоқнинг асосини қидириш учун боладан отага, отадан бобога, бободан катта бобога қараб ҳаёлан орқага юрилса, охири бир ота-онага – отамиз Одам билан момомиз Хаввога бориб такалишингиз шубҳасиз. У битта ота-она кимдан ўрганган? Шубҳасиз, ўзларини яратган Зот – Оллох таолодан ўрганган. Оллохга итоат этган боласида ҳам, исён қилган боласида ҳам битта ота-онадан ўтган хусусиятлар маълум миқдорда бор эди. Аммо бири имони қучлилигидан ахлоқини бузмади, иккинчиси имони заифлиги ёки исёни сабабли ахлоқсизлик қилди.

Иккинчидан, муайян бир хулқ-атвор меъёрларини жамият тўғри деб қабул қилиши учун олдин жамиятнинг қўлида тўғри билан хатонинг ўлчовчи бўлиши керак. Яъни, қайси ўлчовга солиб тўғри ёки хато дейди? У ўлчовни жамиятга ким берган? Бу саволларга жавоб ахтара бошласангиз, агар интилишингизда озгина холислик ва ҳақиқатга етишга самимий истак бўлса, хоҳлайсизми-йўқми, хулқ-атвор меъёрларининг булоғи илохий бўлиб чиқишини қўрасиз. Хар замоннинг энг ашаддий худосизлиги ҳам бир нарсани яхши ёки ёмон деркан, ўзи тан олмас-да, қайсидир босқичда ҳудожўй бўлган ота-бобосидан қонма-қон ўтиб келган ўлчовларга таянади. Фарқи – у ўлчовларни айни чоқдаги эътиқодига (яъни, имонсизлигига) ва ўзига ўхшаганларнинг манфаатига мослаб-ўзгартириб олади.

Агар мақола муаллифи тахмин этаётганидек, “ахлокийлик – кишилар ўртасидаги муносабатда бутун жамият тўғри деб қабул қилган хулқ-атвор меъёрлари” бўлса, унда жамиятни ташкил этувчи шахслар – алоҳида одамлар қачон ва қай тарз тўпланиб бу ўлчов-меъёрларни ишлаб чиққан ва бир тўхтамга келган? Бундай бўлиши имконсиз.

Учинчидан, то шу бугунгача ўртада яна қанчадан-қанча пайгамбар (ҳаммаларига Оллохдан омонлик бўлсин) келди. Хар замоннинг хусусиятларига уйғун одоб-ахлоқ ўлчовлари кетма-кет тушириб турилди. Тарихга қарасак, ҳамма пайгамбар, хоссатан, сўнги пайгамбар юборилиш арафаларида одамлар ахлоқан бузилиб кетганини, жаҳолат боткоғига ботганини қўрамиз. Хар гал янги илохий Қитоб тушиб, одамлар бу янги йўл-йўриқларга завқ-шавқ билан боғланиб яшаган паллаларда ахлоқ юксак

чўккиларга чикди!

Кишилик жамияти тарихига, ахлоқ тарихига чинакам илмий назар билан бокилса, виждонли киши одамларни жахолат боткогидан гўзал ахлоқ боғларига олиб чиккан асосий омил дин бўлганини эътироф этади. Аммо ёш файласуф каби “дин маънавий ва моддий кадриятлар, кўйинг-чи, банибашар тамаддуни бешигини тебратган буюк кашфиётдир”, деган галат эътикодда турилса, унда хакикатга етиш кийин. Чунки дин асло кашфиёт эмас. Аклли одамлар илм булогига шўнгиб ўйлаб-излаб топган конун-коидалар ҳам эмас, уни хатто ҳеч бир пайгамбар кашф қилмаган! Дин мутлако Оллохнингдир! Динда одамнинг заррача хиссаси бўлса, у одам учун, одамнинг хаётига уйғун қилиб туширилганидир, холос. Дин ишига одам бошқа йўсинда аралаша олмайди. Аралашса, айрим кавмлар каби, динни бузади.

Муаллиф бир ўринда мусулмон араб футболчиси билан насроний (ёки динсиз) инглиз футболчисининг ўйин чоғи ўзини қандай тутишини солиштириб, янглиш хулоса чиқарибди: “...хакамнинг кўзини шамгалат қилиб жарима ишлаб олиш илинжида майдонда ётиб олиб ўзини ҳар мақомга солаётган араб футболчиси ва турткилашларига парво ҳам этмай бор қучи билан олдинга интилаётган инглиз футболчисига эътибор қилганмисиз? Уларнинг ўйиндаги гирромлиги ва ҳалоллиги (яъни, араб гирром, инглиз ҳалол демокчи. – **Н.М.Р.**) кишилар ўртасидаги реал муносабатларга кўчиб ўтмайди дея олмаймиз”.

Бу мисол хосликдан ташқари, юзаки ҳамдир. Бу хос ҳолатни ҳеч бир асосда умумга ёпиштириб бўлмайди. Масалан, битта ўзбек тижоратчиси шерикчиликда гирромлик қилсаю бутун ўзбек халқи хақида хато хулосага келинса, тўғри бўладими? Аммо, мисол саёз бўлса ҳам, ундан чиқарилаётган хулоса хато бўлгани учун индамай ўтолмадик.

Биринчидан, “гирром” арабнинг ҳам, “олижаноб” инглизнинг ҳам эътикод даражасини ҳеч қим ўлчаб кўрмаган, бу ҳақда муаллифнинг кўлида ҳам аниқ далил йўқ. У бор-йўғи телевизордан ўйинни томоша қилиб ўтириб ўзича тахмин қиляпти, холос. Минглаб қақирим берилардан туриб! Қолаверса, балки араб футболчисининг гирромлигига (ахлоқида қамчилик борлигига) эътиқодининг сустиги, инглиз футболчисининг ўзини олижаноб тутишига (гўзал хулқли эканига) унинг диндорлиги сабаб бўлгандир? Яъни, ўша сўровномадаги рақамлар айнан шу араб футболчиси ёки айнан шу инглиз футболчисининг эътикод туйғусини ифодаламагани аниқ.

Иккинчидан, хайрият, мисолда “олижаноб” англизни бир “гирром” араб турткилади, дейилмапти. Демак, ўзининг ватандоши ё диндоши ва ё динсизликда фикрдоши турткилаган. “Турткилаш”нинг ўзи ахлоксизлик эмасми? Ва бу ахлоксизликни бошка бир англиз ёки немис кияпти!

Учинчидан, агар “дин доим хам жамият ахлокини яхшилаёт олмай”ди деган хулоса учун мисолни футболчиларнинг холатидан келтириш лозим бўлса, ёш файласуф нега Олмония терма жамоаси хамда Мадриднинг “Реал” жамоаси ўйинчиси Месуд Ўзил ахлокини мисол қилиб келтирмайди? Ўйинда бирон марта унинг гирромлик қилганини ёки биров гирромлик қилса, жахли чиқиб кетганини кўрган борми?! Ракиб дарвозаларига ўнлаб қойилмаком тўп қиритганида ёки шерикларига ниҳоятда ўнгай тўп узатганида бирон марта телбаланиб, кўкракларини қериб ёки бошка қилиқлар қилиб мактанганини ёш файласуфимиз кўрдимикан?! Шериклари уни қуршаб олиб қутлаганида хам камтарона жилмайибгина қўйиши-чи! Холбуки, Месуд Ўзил асли миллат ўларок аҳолисининг 98 фоизи мусулмон бўлган Туркияга тегишлидир. Гарчи олмониялик турк бўлса хам, мусулмон эътиқодли, ибодатли йигит у.

Ёки худди шу борада иккинчи мисол: нафакат Франция терма жамоаси, балки жаҳон футболининг ёркин юлдузларидан ҳисобланган Зайниддин Зидан майдонда ўзини қандай тутишлари наҳот ёш файласуфнинг нигоҳидан четда қолди?! Унинг одобига, ахлокига бутун дунё тан берган бўлса-ю, бизнинг файласуфимиз битта инглиздан бошқани тилга олмаса? Чунки муаллифнинг олдиндан тайёр хулосаларига бу мисоллар ҳалакит қилади!

Ўтган галги жаҳон биринчилигининг энг охириги ўйинида Франциянинг қўли баланд келатган эди. Айниса, Зайниддин Зиданга ҳеч қим бас қелолмади. Галаба хам яқиндек эди. Шундай бир вазиятда ракиб томон – Италия ўйинчиси Зайниддиннинг қулогига “Террорчи!.. Сенинг онанг қалон!..” деб (Зайниддин Зидан бор-ўғи мусулмон бўлгани учун! – **Н.М.Р.**) ҳақоратлади. Зайниддин унинг кўкрагига битта қалла қўйиб, қулатди. Ор-номусини ҳимоя этиб, қанақам эрқакнинг ишини қилди. Италиялик ўйинчининг қилиги эса шунчаки гирромлик эмас, балки учига қикқан ахлоксизлик хам эди. Ҳақам бу ахлоксизни қўйиб, ахлоқлилик намунасини майдондан қикариб юборди. Ўйинда Франция ютқазди. Италия жаҳон чемпиони бўлди. Одоб ютқазди, одобсизлик қолиб бўлди! Бутун Франция энди Зайниддин Зиданни қораласа қерак, деб ўйлаган эдик, аксинча, қалқ уни қаҳрамонлардек қутиб олди! Ҳатто ўша вақтдаги мамлакат президенти Жак Ширак “Сенинг ўрнингда бўлганимда мен хам шундай қилар эдим!” деб, номусни ҳимоя қилиш ахлоқнинг энг юқсак қўққиси эканини эътироф этди. Ўйинда ютқазган бўлса хам, ахлоқ қобилида Зайниддин Зидан тимсолида, Франция ютди. Холбуки, Зайниддин Зидан фаранглик бўлса-да, қелиб қикиши мусулмон, мусулмон бўлганида хам, эътиқодли, ибодатли мусулмон эди. Унинг ҳатто қайридинлар тан берган

ахлокини шакллантирган омил ҳам динидир!..

“Тўп тегиш”ни шу ерда тўхтатайлик-да, бошка мисолларга бокайлик.

Гарчи салбий мисоллари кўпроқ мусулмонларга тегишли бўлса-да, маколада умуман дин ва ахлоқ муносабатидан баҳс юритилган ўринлар ҳам бор. Масалан, 2011 йил 11 март куни Японияда юз берган тўфонли зилзила билан 2006 йил август ойида АКШнинг Янги Орлеан шаҳрида юз берган “Катрина” тўфони чоғида икки мамлакат аҳолиси ўзини қандай тутгани қиёсланади ва “Жамиятнинг ахлокий-маънавий ҳолати унинг диндорлик даражасига боғлиқми? Диний ақидаларга эътиқод қилиш кишилар ҳулқ-атвориغا қанчалик ижобий таъсир ўтказади?” деб қўндаланг қўйган саволига салбий жавоб беради. Ахлокийлик диндорликка боғлиқ эмас, деган хато фикрни илгари суради.

Албатта, бу икки дахшатли қулфат у ерларда яшайдиганлар бошига жуда катта талофотлар келтиргани маълум. Шу маънода, қулфат одамларнинг ахлокини айириб берди, деб муаллиф тўғри ҳулоса қилади. Аммо одамларнинг ахлоқсизлигига диндорлиги тўсик бўлолмади, деган ҳулосаси асоссиздир. Чунки бу ёрқин мисолнинг қоронғи томони ҳам бор: сўров рақамларига суяниб муаллиф Амриқони диндор, Японияни динсиз мамлакатлар қаторига қўшади – хатоларнинг асоси ана шу ерда.

Биринчи хато: Амриқода тўфон кетидан содир бўлган ўғрилиқлар, талон-тарож янгиорлеанликларнинг ахлоқсизлигини кўрсатгани билан, улар буни диндор бўлгани учун қилганини билдирмайди. Худди шунингдек, японлар қулфат чоғи ўзларини мардона тутган бўлишса, бу ҳам уларнинг динсизлигидан эмас.

Иккинчи хато: телеэкранларга тушиб қолган амриқолик талончию ўғрилар балки айни динсизлардир, диндорлари юксак ахлокини кўрсатиб, бу қаби қирдикорлардан четда тургандир. Ўғрилиқ ва талон-тарождан ўзини сақлаган японлар эса айни диний тарбия кўрганлари, айниқса, Шарқ тарбиясига хос хусусиятда – ахлоққа катта эътибор беришда ўта хассос бўлганларидандир?

Учинчи хато: “Японлар эътиқод қиладиган динларда соғий динларида (яхудийлик, христианлик, ислом) бўлгани қаби ўзида илохий буйруқларни жамлаган, итоатсизлик учун жазодан огоҳлантирувчи, гуноҳ ва савоб учун ажримдан сўз юритувчи яққа,

кудратли Худо гоясини ифодаловчи ягона илохий китоб мавжуд эмас (уларни маълум маънода худосиз динлар дейиш мумкин)” деган мулохазалар билан японларни мутлако динсизга чикариш, улардаги мустахкам ахлоқнинг манбаи, демак, бошка нарса деган гояни илгари суриш илмий-тарихий хакикатга терсдир. Дунёдаги хамма диннинг (ёки динга айланиб кетган таълимотларнинг) катта кисми албатта ахлоқдан бахс юритади. Масалан, кунфутсийлик илохий дин эмас, аммо шубхасиз буюк шахс бўлган оддий бир мактаб ўқитувчиси Кунфутсийнинг таълимотини “Ахлоқ китоби” деса бўлади. Зардушт, Будда каби инсонлар яратган таълимотлар хам ахлоқка катта эътибор беради. Бошқача айтганда, агар ахлоқ меъёрларини белгилаб бермаса, ҳеч бир таълимот одамларга сингмас эди. Ёш файласуф хам ахлоқийликнинг ўзи инкор килаётган манбалари ўрнига бошка манба таклиф этаётгани бекорга эмас, у шундай килишга мажбур. Бундай килмаса, бутун гоялари пуч бўлишини, одамларга сингмаслигини билиб турибди. Шунинг учун мақоласининг ҳар ер-ҳар ерида “қачонлардир ишлаб чиқилган қоидалар”, “жамият тўғри деб қабул қилган ҳулқ-атвор меъёрлари”, “тўғри йўлга қўйилган таълим ва қонунлар ижросининг катъий таъминланиши”, “етарлича дунёвий таълим қўриш” деб хилма-хил тавсиялар бериб ётибди.

Тўртинчи хато. Асл хакикат бундай – илохий низомга қўра, динсиз бир миллат, элат, қавм бўлмас. Жумладан, японлар хам қачонлардир динли бўлган. Ахлоқлари ўша ёқдан келади. Ақидалари кейин бузилиб кетган, аммо диний дунёқарашлари ипини ушлаб ўтмишга қараб юрилса, бориб-бориб бошланғич нуктага – қайсидир бир диннинг тоза ҳолатига ва бирон пайгамбарга бориб такалади. Оллоҳ таолонинг **“То пайгамбар**

юбормагунимизча

(бирон қимсани)

азобловчи бўлмадик”

(Исро сураси, 15-оят)

;

“Ҳар бир уммат ичида хам, албатта, бир огохлантирувчи

(пайгамбар)

ўтгандир”

(Фотир сураси, 24-оят)

;

“Ҳар бир қавм учун хидоят қилувчи

(Тўғри Йўлга бошловчи пайгамбар)

бордир”

(Раъд сураси, 7-оят)

;

“Дарвоқе, Биз ҳар бир умматга “Оллоҳга қуллик қилингиз ва шайтондан йироклашингиз!”

(деган вахий билан)

пайгамбар юборганмиз. Шунда улар орасида Оллоҳ хидоят қилганлари хам, шунингдек, йўлдан озиши катъий бўлганлар хам бўлган. Бас, Ер юзида юриб,

(пайгамбарларини)

ёлгончига чиқарганларнинг оқибати қандай бўлганини қўринглар!”

(Нахл сураси, 36-оят)

деган Сўзлари катъий ва энг ишончлидир! Биз хадисга таяниб, умумий ададини “бир юз йигирма тўрт минг (хатто икки юз кирк саккиз минг)” деймиз, балки оздир, балки кўпдир, лекин пайгамбарлар хар бири ўз замонида хозирги халкларнинг ота-боболарига юборилгани ва содда жамиятларнинг ўша вақтдаги холатига тўлик жавоб берадиган илохий йўл-йўрик ва ахлоқ меъёрларини етказгани ҳақдир! Бугунги насл имонли бўладими, худосиз бўладими – у ота-боболардан ўтиб келган ахлоқни муайян бир шаклда тутиб келмоқда. Боши улуг отамиз Одамга (у зотга Оллохдан омонлик ёгилсин) такаладиган ва кейинги наслларга у зотдан мерос ахлоқий тамойиллар то бугунгача йўлда турли бузилишларга учраган бўлса-да, бузук хулқлар ёнида, уларни янада бузилиб кетишдан асраб, гўзал ахлоқ ҳам яшаб келди ва то киёматгача яшаб қолажак.

Демак, дунёдаги ҳеч бир халқни, миллатни мутлақо динсиз бўлган, дея олмаймиз. Шу жумладан японларни ҳам. Ораларида хозир амал қилаётган хулқ-одобларнинг илдишлари қачонлардир уларга юборилган пайгамбар келтирган ахлоқдан сув ичади!

Мақолада “Ахлоқийликни биргина дин омили билан боғлаш ўта мураккаб муаммонинг содда, бироқ ишончсиз ечимини қабул қилишдан ўзга нарса эмас”, дейилибди. Тўласича бўлмаса-да, ахлоқийликда дин омили ҳам бор, демокчи. Аммо динни бирламчи дейишдан қочяпти. Хатто, дин бошқа, ахлоқийлик мехвари бошқа, деган гоёни илгари суриб, хақиқатнинг тесқарисини исботламоқчи бўляпти. Яъни, жамият динсиз ҳам ахлоқли бўлиши мумкин, деяпти. Бу гоё, ҳеч бўлмаганда, ўн тўрт асрдан бу ёғида ёзилиб келган ҳамма исломий манбани – ахлоқ диндандир деб таъқидлаган Имом Бухорийдан тортиб то бугунги Ислоом олимларигача барча мутафаккирга (бутун маънавий меросимизга!), Ислоом олами тўплаган бор маънавий хазинага соя ташлайди. Адабиётимизда эса Юсуф Хос Хожибу Ахмад Яссавийдан то Фурқату Муқимийгача ўтган, ичида Алишер Навоийу Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам бўлган барча шоиру адибларимизни, улар илгари сурган гоёларни тарих сандиқларига қамаб, устидан “фан-техника тараккиёти вужудга келтирган бугунги муҳит”ни бостириб қўяди. Нега деганда, улар ахлоқийлик мехварини дин деб билишган!

Кеча ахлоқийлик ўлчовларини дин келтирган ва уни назорат этиб турган бўлса ҳам, бугун бу ишни бажара олмайди, бугун жамият ахлоқини “тўғри йўлга қўйилган таълим ва конун устуворлиги” тайин этади – “Ахлоқийлик мехвари” мақоласининг бош гоёси ана шу. Яъни, ахлоқийлик масаласида дин бирламчими, конун бирламчими? Жамият ахлоқини ўнглаш ва назорат қилишга бугун диннинг кучи етадимми-йўқми, дея муаллиф ахлоқийликни таъминлашда конунни илгари қўймоқда. Соғлом ақл ахлоқ масаласида барибир динни бирламчи ҳисоблайди. Дин конундан илгари дейди. Ҳеч бўлмаганда, Яратувчисига қараб ҳам динни илгари қўяди. Конун диндан кейин дер экан, конуннинг жамият ҳаётидаги мавқеини қамситмайди, балки унинг асл ўрнини қайд этади, холос.

Ўйлашимизча, конун ижод килувчиларнинг ўзи ҳам ҳеч қачон уни диндан олдинга қўймайди. Чунки ҳар қандай конун ўзгарувчан, дин эса ўзгармасдир. Конун – даврий, дин – абадий. Конун уни тузувчиларнинг салоҳияти даражасида бўлади, дин эса Яратувчисининг мақоми каби юксакдир. Булардан чиқадиган ҳулоса: жумладан, ахлоқ масаласида ҳам бирламчи диндир, конун ахлоқнинг ҳосиласидир. Яъни, ахлоқ конунни такозо қилади, конун ахлоққа хизмат қилади. Шунда ҳам, конун яратувчилар ахлоқли бўлса, албатта! Акс ҳолда – конун ижод килувчиларнинг ўзи ахлоқсиз ёки ахлоқийлик ўлчовларини йўқотган бўлса, худди бугун айрим тараккий этган мамлакатларда, хоссатан, муаллиф диннинг таъсири суғлигига қарамай ахлоқи юксак деб ўрناق қилиб қўрсатаётган юртларда қузатилаётганидек, конунлар ахлоқийликнинг эмас, ахлоқсизликнинг меҳварига айланади. Бугун Гарб маданияти, ахлоқи (аслида, маданиятсизлиги, ахлоқсизлиги) эркак билан эркакнинг, аёл билан аёлнинг, ҳатто одам билан ҳайвоннинг жинсий алоқасини (“ниқоҳи”ни!) ахлоқийлик ўлчовлари ичидаги ҳол деб қабул қиляпти! Айниқса, ёш файласуф келтирган рақамларга қўра, ахлоққа дин таъсири масаласида энг паст қўрсаткичли Шветсия ҳамда “олижаноб инглиз футболчиси”ни етиштирган Англия каби мамлакатларда ҳатто черков икки бузукнинг ниқоҳини қийиб беряпти!

Кимдир бузук бўлса, ўшанинг ўзи ахлоқсиз, аммо бу бузукликни жамият ҳам тўғри деб қабул қилса, ахлоқсизликни конун ҳимоясига олса, энди бутун жамият ахлоқсиз саналади! Қамига бу ишга черков ҳам қўшилса, у ёгини қўқсида виждони бор, ҳали ахлоқийлигини йўқотмаган ҳар ким ўзи билиб олаверсин. Меҳварлар алмашганида бундан бошқа натижага келинмайди! Яъни, ахлоқийлик меҳварини алмаштиришга уриниш орадан йиллар ўтиб, Оллоҳ қўрсатмасин, худди шунақа аянчли натижа беради!

Кечаги кунимизни бир эслайлик: коммунистик партия бошчилигидаги совет тузуми мафқурачилари ҳам етмиш йил давомида ахлоқ ҳақида, унинг меҳвари ҳақида бўлар-бўлмас гоялар билан бошимизни қотириб келган эди. Улар ҳатто конунни устувор демади. Диндан ҳам, конундан ҳам коммунистик мафқурани устун деди. Ҳамма ижтимоий масаланинг, жумладан, ахлоқнинг ҳам асосига шу мафқурани қўйди. (Холбуки, инсон фитратда динли қилиб, Сигинувчисини изловчи қилиб яратилган. Дин ўртадан “олиб қўйилса”, фитратан динсиз туролмаганидан, одам ўзига тез бошқа бир сигинок ахтаришга тушади. Кимдир пулга, кимдир ҳайвонга, кимдир мафқурага, кимдир ўзи каби одамга... сизгина бошлайди. Шуни ўзига “дин” қилиб олади.)

“Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси”ни яратиб, то емаганига қўймай одамларнинг оғзига онгига зўрлаб тикиштирганлари ёлгонми?! Натижа нима бўлди? Ул гайриинсоний лойиҳа қандай яқун топганини ёш файласуф билмаса, каттарок ёшдагилар яхши билади. Совет мафқурасидан қутулинганига йигирма икки йил бўлди, аммо унинг асоратидан қутулолмаётганлар борлиги кишини ҳайрон қолдиради. Зўрлаб

кусилса – ошкозон, хукна килдирилса – корину ичак-чавок тоза бўлади, аммо миянинг иши огир экан...

“Чинакам ахлокли инсон диндор бўлгани ёки дўзахдан кўрккани учун эмас, аксинча, айнан ахлокли бўлгани учун ҳам Яратганнинг кўрсатмаларига амал қилади”, дебди муаллиф. Бир қарашда чиройли кўринган бу сўз ўйини миямизга тубдан хато фикрни ерлаштиради. Ёш файласуф диндорликдан ахлоклиликни ажратяпти. Бирламчилик ва бошлангичлик мақомини ахлоққа бериб, диндорликни натижа деяпти. Ахлоқ бирламчи бўлса, уни ким ва қай йўсин ишлаб чиққан ва жорий қилган? Пайгамбарлар (хоссатан, Охирзамон пайгамбари) келгунича жамиятлар ахлоқи қандай эдию улар келганидан кейин қандай бўлди? Ёки булар ҳаммаси ёлгон, “соғда” ва “ишончсиз ечим”лар-у, муаллиф бизга тўғрисида, “илмий” ва “ишончли ечим”лардан таълим беряптими?!

“Динлар ва маданиятларнинг ўзаро мулоқоти қучайган бугунги кунда ҳеч бир дин ахлоқ масаласида монополь мавқега эга бўлмайди”.

Биринчидан, динлар ва маданиятларнинг ўзаро мулоқоти “бугунги кунда”гина пайдо бўлмаган ёки “бугунги кунда”гина қучайиб қолмаган, балки доим бўлиб келган, ҳеч бир замонда тўхтамаган ва ҳар даврга яраша қучайиб ё сусайиб турган. Буни билиш учун дунё тарихига бир назар ташлаш етарли деб ўйлаймиз.

Иккинчидан, муаллиф “ҳеч бир дин” деркан, динларни бир-биридан айри тушуняпти, манбаи битта эканини унутяпти. Динлар айри, манбаи бошқа-бошқа деса, ҳар бир диннинг илоҳи бошқа, деган илмдан йироқ фикрни илғари сурган бўлади. Бу гоё бир замонлардаги “ҳар бир соҳа ёки ҳодисанинг ҳудоси бор” деган кўпхудолик гоёсини эслатади ва асосда ҳатодир. “Худолар кўп” бўлса, борлик дунёда кўрилаяётган бу мухташам тартиб-интизом буткул издан чиқиб кетиши илмий исботланган ҳақиқатдир. Яратувчи – битта. Унинг шериги ҳам, тенги ҳам йўқ. Қуръони қаримга кўра, инсониятга юборилган барча пайгамбар ва элчи битта динни – Исломи келтирган. Исломи эса тавҳид ва ахлоқдан иборат. Яъни, ҳамма пайгамбар яққахудоликни ва инсоний ахлоқни олиб келган. Ҳозирги ҳархилликлар уларнинг манбаи кўплигини билдирмайди, аксинча, манбаи битта, аммо илк замонлардан то охири элчи тушгунига қадар ҳар гал олдинги пайгамбарга эргашганлар ичида Оллохнинг янги буйругига бўйин суниб кейинги келган пайгамбарга ишонганлар ва бўйин сунмай “эски эътиқоди”да қолаверганлар ҳисобида ҳархиллик юзага келган ва гўё бошқа-бошқа динлар қаби қабул қилинадиган бўлиб кетган. (Ҳамма пайгамбарга ишониш имоннинг етти асосидан биридир.)

Учинчидан, диннинг ахлоқ масаласида монопол мавкега эга бўлмаслиги тўғрисидаги хулоса ҳам шу маънода гализдир. Яъни, биз “иккинчидан” деб билдирган фикрларимизнинг мантикий давоми ўларок, синчиклаб боқилса, умуман кишилиқ жамияти ахлоқининг бошлангич манбаи битта бўлиб чиқади ва шунга кўра мавке талашини йўқлиги маълум бўлади. Уни дунёнинг қайсидир бир чеккасида кимдир инкор этадими-йўқми, ҳақиқат ўзгармайди: ахлоқийлик мевари қатъий маълумдир! Бу меварни Эгасидан олиб бошқасига беришга ҳар қанча уринилмасин, ҳаракатлар увол кетади. Сабаби – “тўғри йўлга қўйилган таълим ҳам, ҳар қандай қонун ҳам” йўқ ердан пайдо бўлиб қолмайди, уларнинг албатта бошлангич нуқтаси бор, улар доим шу бошлангич нуқтага таянади. Таянч нуқта эса, яна-тагин айланиб келиб, ахлоқ меъёрларининг илк манбаига – динга (муаллиф айтмоқчи, динларга) бориб такалади.

“Хўш, дин доим ҳам жамият ахлоқини яхшилаётган олма, у қолда бу вазифани нима бажаради? Бунга жавобимиз шундай: тўғри йўлга қўйилган таълим ва қонунлар ижросининг қатъий таъминланишигина вазиятни ўнглаши мумкин”, дейди муаллиф.

Аслида, дин доим ҳам жамият ахлоқини яхшилаётган олади. Ҳар қандай ҳолат ва вазиятда у мунтазам тарзда ахлоқ билан шугулланади. Оллоҳ таоло яратиб қўйган табиатнинг ўзи ёки унга тақлидан одамлар қашф қилган махсус тозалаш қурилмалари кечаю кундуз тиним билмай қикит сувларни тоза сувга айлантириб бераётганидек; Оллоҳ таоло яратган дарахтлар ёки унга тақлидан одамлар қашф қилган махсус тозалаш қурилмалари ифлос хавони кечаю кундуз тинимсиз тоза хавога айлантириб бераётганидек, Оллоҳ таоло ўртага қўйган ахлоқ ўлчовлари ҳам кишилар ва жамиятлар ўртасидаги ахлоқни кечаю кундуз муттасил қўзатиб-тозалаб турибди! Неъмат ичида неъматнинг қадри унча билинмай қолади, оддий қолдай қўринади. Бу мукамал “тозалаш қурилмаси” бирпас тўхтаб қолсин ё буткул ишдан қиксин, нималар бўлиши ўшанда билинади! Ахлоқсизлик дин сўзасида бош қўтаради.

Қадимдан бир мисол. Ҳозирги Швейтсариянинг Лозанна шаҳрига беш-олти нафар араб савдогари келади. Дағал, қалин шолча матолардан уст-бош қийиб юрган лозанналиқлар араблар олиб келган ҳарир, оппоқ матоларга ҳавас билан боқади. Аста-секин улар ҳам араблардек тоза қийина бошлади. Ювинишни ўрганади. Савдо-сотик ривожланади. Араблар ҳам кўпаяди. Савдогарларнинг хуш муомаласи, савдода ҳалоллиги, бошқа одоб-ахлоқлари Лозанна аҳли диққатини тортмай қўймади. Қизиқиш ортади. “Қимсизлар? Қанақа диндансизлар?” деб сўроқлай бошлашади. Уларнинг мусулмон эканини билгач, Исломи динига қизиқишади. Натижа бундай бўлади: қиска фурсат ичида лозанналиқлар Исломи динини қабул қилади, болаларини ҳам таълимга арабларга бера бошлади. Бор-йўғи бир йигитнинг умричалиқ вақт ичида Лозанна аҳлининг қатта қисми мусулмон бўлиб, йигирмадан ортиқ мактаб-мадраса очилиб, Оврупонинг қок ўртасида жойлашган мамлакатнинг бу шаҳри мусулмон шаҳрига айланиб қолади. Булар ҳаммаси

йигирма-ўттиз нафар араб савдогарининг ахлоки юзидан эди!

Ёки Индонезияни олайлик. Олис Индонезияга ҳам дин худди шу йўл – намунали хулк билан кириб борган. Араб савдогарларидаги гўзал ахлоқни кўриб, унга махлиё бўлгач, маҳаллий халқ бундай ахлоқни келтирган динни ошиқиб қабул қилишга киришган. Бўлмаса Индонезия қаёқда, Араб яримороли қаёқда!

Энди мақола муаллифига бир-иккита саволимиз бор.

Омма фикрини ўрганувчи ўша “мўътабар” ташкилотлар Ер юзи аҳолисининг бешдан бири эътиқод қиладиган Куръони қаримни намойишқорона ёқаётган пасторларни ва шу алангада қўлини иситаётган қимсаларни ахлоқли дейдими, ахлоқсиз дейдими? Куръони қаримни хожатхонага ташлаган, оёғи остига олиб эзгилаган НАТО аскарининг иши қайси ахлоқ меъёрлари билан ўлчанади? Биронта мусулмон Таврот ё Инжилни бирон марта ёқмаган, ёқмайди ҳам. Буни эътироф этадими у ташкилотлар?

Нидерландиялик тубан рассом Суюкли Пайгамбаримизни (алайхиссалом) ҳажв қилиб қизган расмларни бутун Оврупа мамлакатлари газит-жўрноллари кўчириб босиш билан, мақола муаллифи ахлоқли деб таърифлаётган демократик давлатлар қанақа ахлоқий меъёрларга таянишини кўрсатди... Бунга қарши биронта мусулмон уларнинг муқаддасотини ҳажв қилдими?

Муаллиф улуглаб, ўрناق қилиб кўрсатаётган Гарб оламида айниқса кейинги йилларда Исломига, мусулмонларга қарши тинимсиз бўҳтонлар қилинпти, Исломига ва мусулмонларга қарши шиор кўтариб чиққан гуруҳлар сайловларда ютяпти. Бу ҳол нимадан дарак беради? Сайловчиларнинг ҳам кўпи миллатчилик, ирқчилик қайфиятига ботганидан эмасми?! Миллатчилик, ирқчилик, бошқалар динини қамситиш қаби иллатлар ахлоқданми, ахлоқсизликданми?

Ёки Амрико аскарларининг ироклик асирлар устидан ҳақоратлари, “Абу Гариб” қамқонхонасида мусулмон эркакларнинг энг ор-номусли нуқтасига тегиб, уларни яланғочлаб, ҳодадек устма-уст тахлаб, ораларида аёл аскарлар ҳам бўлган палидлар уларнинг бу ҳолларидан хо-холаб қулишлари... қанақа ахлоқ ўлчовларига тўғри келади?!

Маколада нега бу ва шу каби мисоллар йўк? Чунки бу мисоллар макола гоёсига, муаллифнинг олдиндан тайёр хулосаларига тўганок бўлади. Холбуки, далилдан хулосага келиш керак, акси эмас. Фикрдан ходиса тугилмайди, ходисадан фикр тугилади.

Хуллас, гапирилса гап кўп. Аммо мулохазаларни умумлаштирадиган палла ҳам келди.

Бир юз йигирма беш йиллик истибдод, шунинг ичида етмиш беш йил коммунистик мафкура зугуми остида яшаш, ана шу мустамлака давомида тинимсиз олиб борилган “Сенлар колок эдинг, биз маданият олиб келдик”, “Сенлар саводсиз эдинг, биз саводингни чикардик”, кейинрок эса “Худо йўк, коммунистик партия бор”, “Жаннат йўк, коммунизм бор”, “Ўтмишинг хаммаси саркит, уларни ташлашинг, биз олиб келганларни сўзсиз олишинг шарт!” каби ёвуз тазйик ва ташвикотлар, афсус, айримларга ўзидан, ўзлигидан тониш кайфиятини сингдириб кўйди. Окпошшо ва совет мустамлакасидан кутулган бўлсак-да, контомирларимизда улар колдириб кетган микроблардан хали-вери кутулмаётганимиз шундан. Тушкун кайфиятнинг энг кўринарли аломати ўзни инкор, ўзгага шайдоликдир, бунинг натижасида, кейинги асрларда бошимизга тушган хамма кўргиликнинг ҳамда дунёдан оркада қолишимизнинг сабабини миллий рухдан ва диндан деб биладиган бўлиб колдик.

Бугун биз нурли манзилларни кўзлаган миллат ўларок, шубхасиз, дунёдан ўрганишимиз, олишимиз керак бўлган яхшиликлар кўп: дунёвий илм-фан, техникавий тараққиёт, тартиб, интизом... Айни чоқда, ўзимизда ҳам дунёга берсак, улар биздан ўрганса арзийдиган жихатлар йўк эмас. Жумладан, ахлоқ...

“Тафаккур” журнали, 2013 йил 3-сон

Нуруллох Муҳаммад РАУФҲОН